

НЕМИС ВА О'ЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДА ПФЕРД-ОТ АНИМАЛИЗМИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Nilufar ACHILOVA,

O'zbekiston Milliy universiteti,

Xorijiy Filologiya fakulteti,

nemis filologiyasi kafedrası oqituvchisi

E-mail: nilufar_uz@mail.ru

Annotation: The article examines the semantics of the zoonym Horse in phraseology on the material of German and Uzbek languages. Various phraseological dictionaries, including electronic sources, served as the material for the study. As a result, the main structural types of phraseological phrases with the component Horse were revealed, phenomena of reality, human attitude to the surrounding world were determined.

Key words: phraseology, world picture, image, meaning, connotation, zoonym, associations.

Аннотация: В статье рассматривается семантика зоонима лошадь во фразеологизмах на материале немецкого и узбекского языков. Материалом для исследования послужили различные фразеологические словари, в том числе электронные источники. В результате были выявлены основные структурные типы фразеологических оборотов с компонентом Лошадь, определены явления действительности, отношение человека к окружающему миру.

Ключевые слова: фразеологизм, картина мира, образ, значение, коннотация, зооним, ассоциации.

Annotatsiya: Maqolada nemis va o'zbek tillaridagi Pferd-ot nomi bilan bog'liq frazeologizmlarning tuzilishi ko'rib chiqildi. Tadqiqot uchun material to'plashda turli xil frazeologik lug'atlar, shu jumladan elektron manbalardan foydalanildi. Natijada, Pferd tarkibiy qismiga ega bo'lgan frazeologizmlarning asosiy tarkibiy turlari aniqlandi, tuzilmalar, ma'lum shaxsiy xususiyatlarni, voqelik hodisalarini, odamning atrofda dunyoga munosabatini og'zaki bayon qiladigan guruhlar aniqlandi.

Kalit so'zlar: frazeologizm, tuzilish, dunyo tasviri, tasvir, ma'no, zoonim, uyushmalar.

Фразеология, кейинги йилларда тез тараққий этаётган тилшунослик соҳаларининг бирига айланди. Бу эса унинг мустақил лингвистик соҳа сифатида шаклланишига сабаб бўлди, тилшуносликни назарий ва амалий жиҳатдан

бойитди. Тилшунос олим Ш.Балли фразеологик семантикани уларнинг мутлак белгиси деб эътироф этиб, бирикмаларни лексик-грамматик, семантик ва синтактик яхлит бирликлар эканлигини таъкидлади.[1] Рус олимлари В.В.Виноградов, Н.М.Шанский, О.С.Ахманова, В.Л. Архангельский, Ю.А.Гвоздарев, А.Г.Назарян, С.Ройзензон, Ю.Авалиани, А.Бушуйлар фразеологизмларни семантик ҳодиса эканлигини ўз илмий қарашлари билан асосладилар[1]. Лекин бундан фразеологияга доир ўрганилмаган муаммолар қолмади, деган хулосага келишимиз хато. Бугунги кунда бу соҳа ҳар қандай тилда ўзининг турли қирраларини очиб бериш билан, қолаверса тил ва маданият тушунчаларини уйғунлаштирган ҳолда ривожланмоқда. Айниқса, фразеология масалаларини тадқиқ этиш турли тиллар қатори немис, рус ва ўзбек тилшунослигида жадал тус олди. Фразеологизмларни ўрганиш турли ёндашувлар ёрдамида амалга оширилди. Фразеологизмларнинг универсал, маданий жиҳатдан аниқланган ва миллий ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, қолаверса олимларнинг сўзларига кўра, фразеологизмларни ўрганишга бундай ёндашув уларни тил, маданият ва алоқа белгилари доирасида амалга оширилиши кераклигини кўрсатади. Биз тадқиқот объектимида бир бирига қариндош бўлмаган немис ва ўзбек тилларидаги анималистик фразеологизмларни ўрганиш, уларни ўзига хослиги, халқнинг муносабати, маросимлари, урф-одатлари, анъаналарига мослик жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Немис ва ўзбек тиллари фразеологиясидаги энг ўзига хос тарзда тўлдирилган микромайдонлардан бири бўлган «ҳайвонлар» фразеологик микромайдонини ташкил этади. Немис олими А.Д.Райхштейннинг (1980) маълумотларига кўра, немис тили учун ушбу тематик гуруҳ луғатларда келтирилган фразеологизмлар умумий сонининг 6,2% ни ташкил қилади ва умумий ўзига хос мазмундорлик бўйича “соматизм” тематик гуруҳидан кейин иккинчи ўринда туради – 14,7%.[2]

Ҳайвонлар инсонга муносабати принципига кўра хонаки ва ёввойи ҳайвонларга бўлинади. Одам томонидан қўлга ўргатилган ва унга қандайдир фойдаси тегадиган ҳайвонлар уй ҳайвонлари ҳисобланади. Бирга яшаш жараёнида у ёки бу ҳайвоннинг қанчалик муҳимлиги ва зарурлигига қараб инсоннинг унга муносабати шаклланган. Одам ўз ҳаёти ҳайвонларга қисман боғлиқлигини тан олган, бироқ ҳатто энг “фойдали” ҳайвонлар ҳам одамдан ҳар доим мақтов эшитавермайди, зеро инсон ва ҳайвонларнинг ўзаро муносабати тарихи минг йиллардан бери давом этмоқдаки, бу давр ичида ҳар қандай жониворнинг нафақат ижобий, балки салбий томонларини ҳам билиб олиш мумкин. “От” хонаки ҳайвонлар қаторига киритилганлигини инобатга олган

холда ушбу зоонимнинг фразеологизмларда ишлатилиши частотаси, бизнинг назаримизда,

- 1) мазкур хайвоннинг немис ва ўзбек халқлари ҳаётидаги аҳамиятига;
- 2) у яшайдиган ҳудудларга боғлиқ:

Немис тилидаги фразеологизмлар орасида **Pferd, Ross, Gaul, Stute/Rofi, Wallach / Fohlen** номи билан, ўзбек тилидаги фразеологизмлар орасида **От, байтал, бия/Айғир, ахта от/Қулун, той, тойчоқ** туркумидаги сўзларнинг барчасини “От” компонентига киритамиз. **От** лот. *Equus* – отсимонлар оиласига мансуб йирик тоқ туёқли хайвон, тоқ туёқлилар туркумининг отсимонлар (*Equidae*) оиласига кирувчи ёввойи от (*Equus ferus*)нинг хонакилаштирилган ягона замонавий кичик тури. Энг қадим замонлардан ҳозирга қадар одамлар томонидан қўлланади. Отнинг эркаги – *айғир*, урғочиси – *байтал, бия*, зотдор от – *тулпор, аргумоқ, бедов*, учқур йўрға от – *тўбичоқ*, қариб, кучдан қолган от – *қирчанги*, отнинг боласи – *қулун, той, тойлоқ* ёки *тойчоқ* дейилади. Ўзбекларда от азалдан соғломлик, куч-қудрат, қайсарлик, бойлик, баланд мартаба-мансаб рамзи сифатида кўрилган, шу боис от зооними иштирокидаги фразеологизм, ўхшатишлар, мақол ва маталларда у деярли фақат ижобий маъно касб этади.

Ўхшатишлар:

– *отдай* – соғлом, тамоман соғайган, касалликдан бутунлай фориғ бўлган одам ҳақида; *отдай пишқирмоқ* – ғайриодатий овоз чиқармоқ, бакириб, баланд овозда гапирмоқ; *асов отдай* – тартиб-қоидага бўй бермайдиган, ўжар, чапдаст; ноодатий, номеъерий шиддатли ҳаракатлар қилмоқ; *отнинг калласидай* – катта; асосан одам юрагининг ботирлигини, қўрқмаслигини муболағали ифодалаш мақсадида қўлланади;

Бу сўзлар салбий кўчма маъноларга ҳам эга. Хусусан, хотинбоз эркакнинг *айғир* метафораси билан таърифлаш ҳоллари учрайди, шунингдек бегона эркакка ноз-карашма қилган жувонга нисбатан *байтал* метафораси қўлланади. Немис тилида *das Pferd* «от» сўзи қатнашган фразеологизмлар:

– *arbeiten wie ein Pferd* – отдай ишламоқ; *die Pferdekur* – оғир, ҳолдан тойдирувчи муолажа (сўзма-сўз: от даволаниш курси); *der Pferdeschwanz* – «от думи», яъни хунук соч турмаги; *das Pferd beim Schwanze aufzäumen* – аравани отнинг олдидан қўймоқ; ишни нотўғри бошламоқ (сўзма-сўз: отни думидан юганламоқ); *auf einem fahlen Pferd reiten* – доғда қолмоқ, ўзини фош қилиб қўймоқ (сўзма-сўз: думи ва ёли қора саман от миниб юрмоқ); *aufs richtige (falsche) Pferd setzen* – қимор ўйинларида: тўғри (нотўғри) пул тикмоқ (сўзма-сўз.

тўғри (нотўғри) отга тикмоқ); *vom Pferde auf den Esel herunterkommen* – қашшоқлашмоқ, хонавайрон бўлмоқ (сўзма-сўз: отдан тушиб эшакка минмоқ); *es hängt ein Pferd in der Luft* – бир фалокат яқин (сўзма-сўз: ҳавода от осифлик турибди); *den Gaul beim Schwanz aufzäumen*[3] – ишни нотўғри бошламоқ (сўзма-сўз: отни думидан юганламоқ); *dem geschenkten Gaul sieht man nicht ins Maul*[3] – совға қилинган отнинг тишлари саналмайди.

Юқорида келтирилган мисоллар от немис ва ўзбек лингвомаданиятларда катта ва кучли ҳайвон сифатида қабул қилинишини ва ушбу зооним бақувват, кучли, гавдали, чидамли ва меҳнатсевар инсонларни таърифлашда қўлланишини кўрсатмоқда. Мазкур зооморфизм барча тилларда сермахсулдир, чунки одамлар от билан қадим замонлардан бери ёнма-ён яшайди, уларнинг феъл-атвори, қилиқларини жуда яхши билишади ва отларнинг сифатларини одамларга кўчириб ўтказишади.

Айрим фразеологизмларнинг пайдо бўлишига отларнинг тез чопиши ва бақувватлиги ҳам асос бўлган. Ўзбек тилида “фурсаддан фойдаланиб қолиш” маъносидаги *отни қамчиламоқ* ибораси бор. “Секинламоқ, шошилмаслик” деган маъноларда эса баъзан *отнинг тизгинини тортмоқ* ибораси қўлланади. Немислар ёш отларни юмшоқ муомала билан ўргатишни тавсия қилишади: *immer sachte mit den jungen Pferden*. Ўзбек тилида эса эҳтиёткорлик маъносидаги *синалмаган отнинг сиртидан ўтма* мақоли қўлланади. Шунингдек, “мулоҳазали, босиқ одам секин ҳаракат қилгани билан узоққа боради” маъносини берувчи *яхши от кейин чопади* иборасини ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

Шунингдек, немислар “отига азоб берадиган одам хотини ва болаларига ҳам ёмон муносабатда бўлади” деб ҳисоблашади: *wir plagt sein Pferd und Rind, halt's schlecht mit Weib und Kind*.

Келтирилган мисоллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, немис ва ўзбек тилларида “От” номи билан боғлиқ анималистик фразеологизмлар орасида “Pferd” компонентида оид фразеологизмлар маҳсулдорлиги бизнинг тадқиқотимиз давомида намойиш этилди. Бундан ташқари, ўрганилаётган номлар таркибидаги баъзи номларнинг маҳсулдорлиги сабаблари айтиб ўтилди. Pferd зоонимли фразеологизмларнинг аксарияти морфологик жиҳатдан феъл туркумига оид, объект тўлдирувчи эканлиги аниқланди. Биз сифат фразеологизмга санокли мисоллар келтирилди, масалан *trojanisches Pferd*, от туркумига оид мисоллар жуда кам таркибда эканлиги аниқланди, масалан: *kein Pferd*. Фразеологизмлар орасида қиёслаш туркумига оид атиги 2 та мисол топилди: *schuften wie ein 'Pferd'-schwer, intensiv, angestrengt*

arbeiten, auf j-n einreden wie ein krankes Pferd/einen kranken Gaul-geduldig, unablässig, gleichbleibend nicht nachlassend auf j-n einreden.

АДАБИЁТЛАР

1. Fleischer, W. Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache / W. Fleischer. - Leipzig: VEB Bibliographisches Institut Leipzig, 1982. - 250 S.13 S.
2. Бушуй А.М. Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии. Вып. IV-V. –Самарканд, 1976. 1979. –С.300-246; Бушуй А.М. Лексикографическое описание фразеологии. – Самарканд, 1982. –С.114;
3. Райхштейн А.Д. Сопоставительный анализ немецкой и русской фразеологии. - М.: Высшая школа, 1980. - 143 с.
4. Электронный словарь немецкого языка. URL: <https://dwds.de/hund/wb>.
5. Электронный словарь немецкого языка. URL: <https://www.dewiktionary.org/wiki/Pferd>.
6. Электронный фразеологический словарь немецкой фразеологии. URL:https://www.redensartenindex.de/suche.php?suchbegriff=hund&bool=relevanz&gawoe=an&sp0=rart_ou&sp1=rart_varianden_ou&page.
7. Djumabaeva, J. S., & Avazmatova, M. M. (2022). International Journal of Social Science Research and Review.
8. Djumabaeva, J. S. (2015). Plesionymy and graduonymy in English and Uzbek. European Journal of Literature and Linguistics, (2), 55-58.